

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МАДАЗИМОВ МУЗАФФАР ТОХИРЖОН ЎҒЛИ

**ПЛУГ ЛЕМЕХЛАРИНИ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР
БИЛАН ҚАЙТА ТИКЛАБ РЕСУРСИНИ ОШИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш,
тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулбаҳор – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Мадазимов Музаффар Тохиржон ўғли

Плуг лемехларини композицион материаллар билан қайта тиклаб
ресурсини ошириш технологиясини асослаш..... 3

Мадазимов Музаффар Тохиржон угли

Обоснование технологии повышения ресурса плужных лемехов
восстановлением композиционными материалами 19

Madazimov Muzaffar

Rationale of technology for increasing resources restoration of plough share
by welding composite materials..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МАДАЗИМОВ МУЗАФФАР ТОХИРЖОН ЎҒЛИ

**ПЛУГ ЛЕМЕХЛАРИНИ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН
ҚАЙТА ТИКЛАБ РЕСУРСИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш,
тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулбахор – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т611 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурiev Карим Катибович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Рустамов Раҳматали Мурадович
техника фанлари доктори, доцент

Халикова Наргиза Абдувалиевна
техника фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат
техника университети

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (0-370) 601-07-04, факс: (0-370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (442 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (0-370) 601-07-04, факс: (0-370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «25» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «25» ноябрь даги № 5 рақамли реестр баённомаси).



М.Т. Тошболтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А. Тўхтақўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги техника воситалари ва уларнинг иш органларини яратишда нафақат уларнинг конструктив жиҳатлари балки улар тайёрланадиган материалларни танлаш етакчи ўринни эгаллайди. «Дунё миқёсида ерларни шудгорлаш учун ҳар йили 14-17 млн дона плуг лемехлари сарфланишини ҳисобга олсак»¹, тупроққа ишлов бериш техника воситалари ва уларнинг иш органларини ишончлилиги ва пухталигини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан уларнинг ишлатиш даврида ейилиш қонуниятларини илмий асосда ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тупроққа ишлов бериш жараёнларининг сифатли бажарилишини таъминлайдиган технологиялар ва уларни амалга оширадиган техник воситалар ишлаб чиқишга, уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда қишлоқ хўжалик машиналари иш органлари ресурсини ошириш қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ечилиши лозим бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади. Хусусан, иш органлар ишончлилигининг етарли эмаслиги уларни ишлатишдаги ва таъмирлашдаги харажатларни ортиб кетишига, тупроққа ишлов бериш машиналарининг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш, меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган юқори унумли машиналар ишлаб чиқариш, мавжудларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан тупроқни шудгорлашда қўлланиладиган техника воситаларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, иш органларининг ресурсини жаҳоннинг илғор корхоналари ишлаб чиқараётган иш органлар ресурси даражасига етказиш ҳисобига фойдаланишдаги харажатларни камайтириш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23-декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислох

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-prochnosti-i-iznosostoykosti-lemeha-pluga/viewer>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7-июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органларининг конструкциясини такомиллаштириш ва ресурсини ошириш бўйича тадқиқотлар В.П.Горячкин, Г.Н.Синеоков, Е.П.Огрызков, М.М.Хрущов, М.М.Севернев, М.М.Тененбаум, А.Ш.Рабинович, В.Н.Ткачев, А.И.Селиванов, В.И.Казарцев ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикада Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Х.Хаджиев, В.А.Сергиенко, М.Муродов, А.Тухтакузиев, С.Н.Шамшетов, М.В.Вахобов, К.К.Нуриев ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида иш органларнинг турли конструкциялари яратилган, мавжудлари эса такомиллаштирилган. Аммо, ушбу тадқиқотларда плуг лемехларни композицион материаллар билан пайвандлаб қайта тиклаш технологияси етарли даражада ўрганилмаган. Шу билан бирга уларни етарли даражада қаттиқликка ва ёйилишга чидамликка эга бўлган истиқболли композицион материаллар билан пайвандлаб қоплаш ва термик ишлов бериш усуллари қўллаган ҳолда иш органларнинг ресурсини орттиришни таъминлашга эътибор берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ЁОТ-Атех-2018-85 «Замонавий композицион материалларни қоплаб машина деталлари ресурсини орттириш технологияси параметрларини асослаш» (2018-2019) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади плуг лемехларини композицион материаллар билан қайта тиклаб ресурсини ошириш технологиясини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

плуг лемехи ўтмасланиш даражасини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини, лемехларни ёйилиш сабабларини ва уларни тиклаш технологияларини ўрганиш ва таҳлил этиш;

плуг лемехлари ёйилишга чидамлилигини оширишда материал қаттиқлигига боғлиқлиги ва лемехнинг чегаравий ёйилиш миқдорини назарий асослаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

лемехлар ресурсини ошириш учун пайвандлаб қоплаш материалларини ўрганиш ва уларни лемехлар ишчи юзаларига пайвандлаб қоплаш технологияларини асослаш бўйича лаборатория тадқиқотларини ўтказиш;

республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланилаётган

мавжуд ва пайвандлаб қопланган лемехлар ҳамда уларга пайвандланган қатлам материаллари таркиби, структураси, қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилигини аниқлаш;

лемехларнинг ейилишга чидамлилик кўрсаткичларини пайвандланган қатлам материалнинг таркиби, структураси ва қаттиқлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини лаборатория ва дала шароитида синовдан ўтказиш натижалари асосида аниқлаш;

пайвандлаб қоплаб ресурси оширилган лемехларнинг синовларини ўтказиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида плуг лемехлари, пайвандлаш материаллари ва лемехларни пайвандлаб қоплаш технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети плуг лемехлари ва пайвандлаш материалларининг таркиби, структураси, қаттиқлиги, ейилишга чидамлилиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлик кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Назарий изланишлар классик механика қоидалари, математик таҳлил ва усулларини қўллаб, экспериментал тадқиқотлар эса мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 27611-88, ГОСТ 18895-97, ГОСТ 5640-68, ГОСТ 10243-75, ГОСТ 9012-59, ГОСТ 9013-59, ГОСТ 9450-76 ва ГОСТ 23208-79) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лемехлар ресурсини уларнинг ишчи юзаларига тупроқдаги абразив зарраларнинг таъсирига чидамли бўлган янги турдаги композицион материалларни пайвандлаб қоплаш орқали оширишга эришилган;

лемех материалнинг ейилиш миқдори, унга асосан эса ейилиш жадаллиги тупроқнинг нисбий ейилтириш хусусиятига, босимга, ишқаланиш йўлига, ишчи юзасига, материалнинг зичлигига тўғри пропорционал ва лемех материалнинг нисбий ейилишга чидамлилигига тесқари пропорционал қонуният бўйича ўзгариши аниқланган;

лемехларнинг ресурсини у тайёрланган материалнинг ейилишга чидамлилиги ва унга таъсир этадиган босим кучига боғлиқ ҳолда ўзгариш қонунияти аниқланган;

лемехларнинг ишчи юзасига пайвандлаб қоплаш учун унинг ресурсини янгисига нисбатан бир неча марта юқори бўлишини таъминлайдиган структурага, қаттиқликка, ейилишга чидамликка эга бўлган материалнинг таркиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лемехларнинг ишчи юзаларига таркибида қаттиқ қотишмаси бўлган материални пайвандлаб қоплашнинг юқори ейилишга чидамликни таъминлайдиган технологияси ишлаб чиқилган;

янги ишлаб чиқилган технология ёрдамида плуг лемехларининг ресурси 2-4 марта ортиши, ерларни шудгорлаш муддатларини қисқариши ҳисобига ёнилғи, материал сарфи ва эҳтиёт қисмлар харажатларини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқот-

ларни назарий механика, материалшунослик, машина деталлари ва материаллар қаршилиги қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг адекватлиги, пайвандлаб қопланган лемехларнинг лаборатория ва дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти плуг лемехларининг ресурси улар ишчи юзаларига пайвандлаб қопланган композицион материал таркиби, структураси, қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги каби кўрсаткичларга боғлиқлигини ифодаловчи боғланишлар ва ҳисобий моделлар ишлаб чиқилганлиги ва улардан шунга ўхшаш бошқа иш органларининг ейилишга чидамлилигини оширишда фойдаланиш мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лемехларнинг ишчи юзаларига ейилишга чидамли композицион материалларни пайвандлаб қоплаш технологиясини ишлаб чиқилганлигидан иборат бўлиб, уни қўллаш натижасида лемехларнинг ейилишга чидамлилиги 2-4 марта ортиши ҳисобига ерларни шудгорлашда ёнилғи сарфи, материал ва эҳтиёт қисмлар харажатларини камайишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Плуг лемехларини композицион материаллар билан қайта тиклаб ресурсини ошириш технологиясини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

пайвандлаб қопланган плуг лемехлари Андижон вилояти Қўрғонтепа, Марҳамат ва Андижон туманлари фермер хўжаликларида синовлардан ўтган ҳамда Андижон «Агросервис МТП» МЧЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 02/023-434-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик машиналари ишчи органларининг хизмат муддатини ортишига ва уларнинг йиллик сарфини 2 марта камайишига эришилган;

плуг лемехларини ейилган ишчи юзаларини композицион материал билан пайвандлаб қоплаш технологиясига оид материаллар «ВМКВ-Agromash» АЖ га топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 02/023-434-сон маълумотномаси). Натижада “Пайвандлаб қоплаш мосламаси” ҳамда пайвандлаб қопланган лемех конструкцияларини ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

турли хил композицион материаллар билан пайвандлаб қопланган плуг лемехлари лаборатория ва ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 февралдаги 02/023-434-сон маълумотномаси). Натижада ушбу лемехлар билан жиҳозланган плугларнинг ресурси 2 мартагача ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг кўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида лемехлар ўтмасланиш даражасини плугнинг иш кўрсаткичларига таъсири, плугларнинг иш органлари ва уларни тиклаш технологияларининг таҳлили, тупроққа ишлов беришдаги асосий агротехник талаблар ва иш органлар ресурсига бағишланган тадқиқотларнинг умумий таҳлили ўтказилган, плуглар иш органлари ресурсини ошириш устида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили, ясси сиртли иш органларни абразив ейилишга чидамлилигини оширишда композицион материалларни кўллашнинг истиқболлари ўрганилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Маълумки, тупроққа ишлов бериш жараёнларини сифатли бажарилиши – қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олишнинг асоси бўлиб, у тупроққа ишлов беришда кўлланиладиган машиналар иш органларининг агротехник ва энергетик кўрсаткичлари ва ҳолатига боғлиқ бўлади.


Тупроққа ишлов беришда кўлланиладиган машиналарнинг иш органлари тупроқнинг абразив муҳитида ишлайди ва ейилиш натижасида ўзининг ўлчамлари ва шаклини ўзгартириб боради. Бу тупроққа ишлов бериш машиналарининг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалик машиналарини ейиладиган деталларининг, айниқса уларнинг кўп қисмини ташкил этадиган тупроққа ишлов берадиган иш органларининг ресурсини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар илмий асосланмаган материал ва конструкцияга эга бўлган иш органлар ишлаб чиқараётганилиги ушбу муаммони янада мураккаблаштиради. Маҳаллий ва яқин чет элда ишлаб чиқарилган плуглар исканасимон лемехларининг инкоргача иш ҳажми 20 гектаргача, дала тахтасиники 60 гектаргача этишини кўрсатди. Бундан плугларнинг ресурсини оширишнинг асосий йўналиши ушбу иш органларнинг ейилишга чидамлилигини оширишдан иборат эканлиги келиб чиқади.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, лемехларнинг ўтмасланиши, ағдаргичнинг ейилиши ва деформацияланиши, дала тахтасининг ейилиши плугнинг тортишга қаршилигини орттириб юборади. Бу эса ўз навбатида ёнилғи сарфини ортишига, шудгорлаш сифатини бузилишига, тупроқ палахсасини яхши майдаланмаслигига, ўсимлик қолдиқларини яхши кўмилмаслигига олиб келади.

Деталларни қайта тиклашда қаттиқ қотишмали материаллардан фойдаланиш қаттиқлиги абразив кварц доначалари қаттиқлигидан ортиқ бўлган юза қатлами олишни таъминлаб, деталнинг ейилишга чидамлилигини кескин орттириш имконини беради. Тез ейиладиган деталларнинг ишчи юзаларига пайвандлаб қоплаш учун бир компонентли металл қукунлари ва легирланган қотишмалар ҳамда композицион материаллардан фойдаланиш мумкин. Турли хоссаларга эга бўлган бир неча хил қукунсимон материалларнинг аралашмаси, одатда, қукунсимон композицион материал дейилади. Композицион материалларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда ташкил этувчиларнинг барча яхши томонлари намоён бўлади, камчиликлари эса бартараф этилади. Шу билан бирга композицион материалларда шундай янги хоссалар пайдо бўладики, бу хоссалар унинг таркибига кирадиган ташкил этувчиларда ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда мазкур иш республикамиз шароитида қўлланиладиган плуг лемехларининг ейилган ишчи юзаларини композицион материаллар билан пайвандлаб қоплаш орқали ресурсини ошириш технологияси параметрларини асослашга йўналтирилган.

Диссертациянинг «Назарий тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида тупроққа ишлов берадиган иш органлари тиғининг ейилиш динамикасини аналитик тадқиқ этишда плуг иш органлари ейилишга чидамлилигини оширишнинг асосий йўналишлари бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Маълумки, иш органлар тиғининг ейилиш жараёнини назарий томондан ўрганмасдан туриб тупроққа ишлов берадиган самарали иш органларни яратиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам иш органлар тиғининг ўтмасланишини тиғни



1-расм. Иш органи тиғининг ейилишини таҳлил қилишга доир схема

қосил қилувчи барча параметрларнинг абразив ейилиш давомида ўзгариш динамикасини ўзаро боғланишда кенг кўламли ўрганиш лозим. Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органлари тиғининг ейилиш динамикасини аналитик ҳисоблаш усули асосан кетинги фаскасининг баландлиги h_2 ва унинг тупроқ губига нисбатан жойлашиш бурчаги ϵ ҳамда ўткирлик бурчагининг ўзгариши $\Delta\alpha$ ва лемехнинг сиртқи бурчагининг ўзгариши $\Delta\beta$ зниклашдан иборат. Чунки бу параметрларнинг белгиланган чегаравий ейилиш миқдоридан ортиб кетиши лемехларнинг ерга яхши ботмаслигига олиб келади ва натижада плугнинг технологик иш жараёни бузилади (1-расм).

Иш органи абразив ейилишига унинг юза қатламини қаттиқлиги ва тупроқнинг босим кучи энг кўп таъсир кўрсатади. 1-расмдаги схема асосида олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида қуйидаги ифода олинди

$$\Delta \alpha = \arccos \left\{ \frac{([h - (\Delta h + h_2)]^2 + (b - \Delta b)^2 (2 + \operatorname{tg}^2 \alpha) - h_4^2) \cos \alpha}{2(b - \Delta b) \sqrt{[h - (\Delta h + h_2)]^2 + (b - \Delta b)^2}} \right\}, \quad (1)$$

бунда h – тиғ учидаги фасканинг қалинлиги, мм; Δh – тиғнинг қалинлиги бўйича ейилиш миқдори, мм; b – лемех фаскасининг дастлабки узунлиги, мм; Δb – тиғ сиртининг ейилиш миқдори, мм.

Абразив ейилишнинг жадаллиги материал қаттиқлиги билан боғлиқлиги қуйидагича ифодаланади

$$\frac{\Delta b}{\Delta t} = k \frac{P \cdot V_n}{k_v H}, \quad (2)$$

бунда Δt – ейилишга сарфланган вақт, с; k – пропорционаллик коэффиценти, $1/\text{м}^2$; P – иш органининг сиртига бериладиган босим кучи, Н; H – металл қаттиқлиги, Па; v_n – иш органининг илгарланма тезлиги, м/с; $k_v = \frac{\cos \varphi}{\cos(\alpha + \beta)}$; φ – тупроқнинг лемехга ишқаланиш бурчаги, градус; α – фаскасининг дастлабки чархланиш бурчаги, градус; β – лемехнинг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус.

Иш органининг сиртига бериладиган босим кучи қуйидагича аниқланади

$$P = ac \delta g \left[\frac{V_n^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_n \cdot \cos(\alpha + \beta) \right], \quad (3)$$

бунда a ва c – палахсанинг қалинлиги ва эни, м; δ – тупроқ зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; L_n – иш органи тиғининг узунлиги, м; g – эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$.

(1)-(3) ифодалардан фойдаланиб иш органининг эни бўйича ейилиш миқдорини ҳисоблаш ифодасини ҳосил қиламиз.

$$\Delta b = k \frac{V_n}{k_v H} ac \delta g \left[\frac{V_n^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_n \cdot \cos(\alpha + \beta) \right] \Delta t. \quad (4)$$

2-расмдан кўришиб турибдики, иш органининг ейилиши ва ўзи чархланиш бурчаги палахса ўлчамлари, тупроқ зичлиги ва ҳаракат тезлигига тўғри, иш орган материалининг қаттиқлигига тескари боғланган, яъни иш орган материалининг қаттиқлиги ошган сари унинг ейилиш миқдори камаяди. Бунда эса иш орган тиғининг дастлабки шаклининг ўзгариши паст суратларда амалга ошади, бу эса унинг ресурсини оширади.

Иш органининг ресурсини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз


$$T = \frac{k_v}{k \varepsilon k_T} \cdot \frac{B_{\max} H}{P \cdot V_n}, \quad (5)$$

бунда ε – иш орган материалининг нисбий ейилиш коэффиценти, $\varepsilon=1$; B_{\max} – йўл қўйилган энг катта ейилиш миқдори, м; k_T – тупроқнинг ейилтириш

коэффициенти, $k_T=0,36$.

(5) ифодага P нинг (3) бўйича қийматини қуйидагига эга бўламиз

$$T = \frac{k_v B_{\max} H}{k \varepsilon k_T V_n a c \delta g \left[\frac{V_n^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_n \cdot \cos(\alpha + \beta) \right]} \quad (6)$$



1 – $\Delta b=f(H)$, 2 – $\Delta \alpha=f(H)$, 3 – $T=f(H)$.


2-расм. Иш орган ейилиши ва ўзи чаркланиш бурчаги ҳамда ресурсининг материал қаттиқлигига боғлиқлиги

(6) ифодадан ҳамда 2-расмдан кўришиб турибдики, иш органнинг ресурсини ошириш учун унинг энг катта рухсат этилган ейилиш миқдорини ва унинг иш юзаси материалнинг қаттиқлигини ошириш ҳисобига эришиш мумкин экан.

Тадқиқотларни кўрсатишича, босимни ортиши билан абразивнинг нисбий ейилтирувчи хоссаси ортиб боради. Сезиларли даражадаги катта босимларда қаттиқ материалларнинг микроқирқилишларида

абразив зарралари ўзининг ўткирлигини юмшоқроқ материалга ишқаланишдаги микроқирқилишларга қараганда тезроқ йўқотади. Умуман олганда, босимни ортиши билан иккала турдаги материалларнинг ейилиши ҳам ортиб боради, аммо қаттиқ материалларнинг ейилиш жадаллиги юмшоқ материалнинг ейилиш жадаллигидан анча паст бўлади ва шунинг учун ҳам уларнинг нисбий ейилишга чидамлилиги юқори бўлади.

Лемех исканасининг ейилиш миқдори унинг бошланғич ва чегаравий ҳолатдаги кенгликлари орасидаги $l-l_{\text{чег}}$ айирма орқали, тиғининг ейилиш миқдори унинг бошланғич ва чегаравий ҳолатидаги кенгликлари орасидаги $b-b_{\text{чег}}$ айирма орқали, лемех тиғининг бошланғич ва чегаравий қалинлиги $h_0-h_{\text{чег}}$ ўлчамлар айирмаси орқали аниқланади (3-расм).



α – лемех тиғининг ўткирлаш бурчаги; β – лемех тиғининг горизонтга нисбатан қиялик бурчаги

3-расм. Лемехларни яроқсизга чиқариш кўрсаткичлари

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, лемех тиғининг чегаравий қалинлиги бўйича ресурси қуйидагича аниқланади:

$$T_{муз} = \frac{(h_0 - h_{чез}) \cdot \varepsilon_{муз} \cdot \eta_2 \cdot A \cdot ctg \alpha}{0,016 \cdot m_{эм} \cdot \eta_1 \cdot P_{муз} \cdot v_{нис.эм}}, \quad (7)$$

(7) ифодадаги тупроқнинг иш органига босим кучи – P ни (3) ифода билан алмаштирсак тумшуқ ва тиф қисмининг чегаравий эни бўйича ейилиш миқдорлари ҳамда тифининг чегаравий қалинлиги бўйича лемехнинг ресурси қуйидагича аниқланади:

Лемех исканаси бошланғич ва чегаравий баландлиги бўйича иш ресурси

$$T_{иск} = \frac{\varepsilon_{эм} \cdot \eta_2 \cdot A \cdot (l - l_{чез})}{0,016 \cdot m_{эм} \cdot \eta_1 \cdot ac \delta g \left[\frac{v^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_{л} \cdot \cos(\alpha + \beta) \right] v_{нис.эм}}, \quad (8)$$

Лемех тифининг бошланғич ва чегаравий эни бўйича иш ресурси

$$T_{муз} = \frac{\varepsilon_{эм} \cdot \eta_2 \cdot A \cdot (b - b_{чез})}{0,016 \cdot m_{эм} \cdot \eta_1 \cdot ac \delta g \left[\frac{v^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_{л} \cdot \cos(\alpha + \beta) \right] v_{нис.эм}}, \quad (9)$$

Лемех тифининг бошланғич ва чегаравий қалинлиги бўйича иш ресурси

$$T_{муз} = \frac{(h_0 - h_{чез}) \varepsilon_{эм} \cdot \eta_2 \cdot A \cdot ctg \alpha}{0,016 \cdot m_{эм} \cdot \eta_1 \cdot ac \delta g \left[\frac{v^2}{g} \sin(\alpha + \beta) \cdot \sin \gamma + L_{л} \cdot \cos(\alpha + \beta) \right] v_{нис.эм}}, \quad (10)$$

Юқорида келтирилганлардан кўришиб турибдики, плуг лемехларнинг ресурси асосан конструктив ва материалшунослик йўналишларда оширилиши мақсадга мувофиқ экан. Маълумки, конструктив усулда лемехларнинг ресурсини 2-4 мартагача оширишга эришилган. Иккинчи материалшунослик усулида эса, улар ейилишга чидамли материаллардан тайёрланиши, ишчи юзасига термик ёки кимёвий термик ишлов берилиши, ишчи юзасига қаттиқ қотишмали композицион материал пайвандлаб қопланиши керак. Бунда уларнинг ресурси 2-10 марта ортишига эришилади. Шу билан бирга лемехларнинг ишчи юзалари табақалаб қопланиши ҳам ресурсни ортишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш методикаси**» деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг ўтказиш дастури, тадқиқотлар олиб бориш учун керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материаллар, пайвандлаб қопланган намунанинг юзасини синовга тайёрлаш усуллари ҳамда уларнинг ейилишга чидамлилигини аниқлаш, металлографик тадқиқотлар ва спектрал таҳлил, ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш методикалари келтирилган.

Плуг лемехларини композицион материаллар билан қайта тиклаб ресурсини ошириш учун пайвандлаш қурилмаси яратилди. Қурилманинг иш режими ва конструктив чизмалари ишлаб чиқилди ва тавсия қилинаётган лемехлар ушбу қурилма орқали пайвандлаб қопланди.

Тадқиқотлар ўтказиш учун республикамиз Фарғона водийси вилоятларида ерларни шудгорлашда қўлланилаётган плугларнинг иш органларидан 10 та намуна танлаб олинди. Танлаб олинган намуна лемехларини юза қисмини тозалаш учун жилвирлаш қурилмасидан фойдаланилди. Намуналарни таҳлил

қилиш учун спектрал таҳлил (Spectrolab – 10 m), микро-макро структуралари металлографик микроскоплар ММР-2, МИМ-7, қаттиқликлари Бринелл ва Роквелл қурилмаларидан фойдаланилди. Материаллар пайвандлаб қопланган намунанинг юзасини синовга тайёрлаш усуллари ҳамда намуналарнинг ейилишга чидамлилигини аниқлаш, металлографик тадқиқотлар ва спектрал таҳлил, ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш методикалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида мавжуд лемехлар материали ва уларнинг ишчи юзаларига пайвандлаб қопланган материалларнинг таркиби, қаттиқлиги, ейилишга чидамлилигини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментларнинг натижалари келтирилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шароитида қўлланилаётган плуглар иш органларининг таркиби ўрганилди ва уларнинг стандарт талабларига мослиги аниқланди (1-жадвал).


1-жадвал

**Спектрал таҳлил натижасига кўра намуналарнинг
кимёвий таркиби**


Намуна №	C	Si	Mn	P	S	Cr	Mo	Ni	Cu	Шу таркибга мос стандарт пўлат маркаси
1	0,45	0,19	0,71	0,039	0,031	0,04	0,01	0,08	0,13	45
2	0,33	0,56	0,30	0,034	0,042	0,32	0,01	0,10	0,19	30
3	0,18	0,18	0,47	0,019	0,004	0,09	0,01	0,10	0,19	Ст3сп
4	0,55	0,30	0,65	0,019	0,029	0,07	0,01	0,09	0,12	55
5	0,19	0,51	1,31	0,021	0,023	0,06	0	0,07	0,11	20ГС
6	0,43	0,32	0,86	0,024	0,027	0,05	0,004	0,06	0,12	45Г
7	0,35	0,22	1,21	0,018	0,003	0,14	0,004	0,04	0,01	30Г
8	0,45	0,16	1,15	0,024	0,002	0,33	0,003	0,04	0,02	45Г
9	0,33	0,18	1,28	0,019	0,017	0,23	0,01	0,06	0,06	30Г
10	0,75	0,03	0,73	0,017	0,003	0,28	0,003	0,03	0,02	75ГА

Жадвалда келтирилган 1, 2, 3, 5 ва 6 намунадаги лемехлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики фақат биринчиси пайвандлаб қолаб қайта тиклашга яроқли, аммо бу лемехлар термик ишлов берилмаганлиги сабабли уларнинг иш ресурси жуда кам.

Танлаб олинган ва пайвандлаб қопланган лемехларнинг ишчи юзаларининг макро ва микроструктуралари ўрганилди. Олинган натижалар Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариладиган лемехлар термик ишлов берилмаган перлит-феррит структурага, чет элда тайёрланган лемехларнинг ишчи юзалари термик ишлов берилган троостит ва мартенсит структураларга, маълум таркиб билан пайвандлаб қопланган лемехларнинг ишчи юзалари эса перлит+карбид структурага эга эканлиги аниқланди (4 ва 5-расм).



4-расм. Т-590 электроди пайвандлаб қопланган намунанинг микроструктураси (x500)



5-расм. ПГ-ФБХ-6-2 (50%)+ПГ-СР4 (50%) куқунлари пайвандлаб қопланган намунанинг микроструктураси (x500)


Лемехлар қаттиқлигини ўрганиш натижалари. Юқоридаги келтирилган (1-жадвал) иш органларнинг қаттиқлиги Бринелл ва Роквелл прессларида аниқланди. Олинган натижалар HRC шкала бўйича бир хил бирликка келтирилди ва уларнинг ўртача қийматлари 2-жадвалга киритилди.

2-жадвал

Иш органларнинг ўртача қаттиқлик кўрсаткичлари

Намуна №	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Қаттиқлиги HRC	18	13	15	13	12	11	52	41	41	48

Лемехларнинг ейилишга чидамлилигини ўрганиш натижалари. Намуналарнинг абразив ейилишга синовлари такомил-лаштирилган махсус ишқаланиш қурилмасида ўтказилди. Биринчи синовда 6 хил лемех намунаси




1 - 45 маркали пўлат намуна; 2 - Т-590 электродли намуна; 3 - 55 маркали пўлат намуна; 4 - 45Г маркали пўлат намуна; 5 - Ст3сп маркали пўлат намуна; 6 - Lemken фирманинг пўлат намунаси

6-расм. Намуналарни ейилиш жадаллиги

2 соат давомида 500 гр. юк таъсири остида 1,5-2 м/с тезликда ўтка-зилди (6-расм). Синов натижала-ридан кўриниб турибдики иккинчи ва олтинчи намуна-ларнинг абразив муҳитдаги ейилиш жадаллиги бошқаларга нисбатан анча кам.

Кейинги лаборатория таж-рибалари қоплама электродлари танлаш учун 5 хил намуна устида ўтказилди. 45 маркали пўлат намуна юзасига турли хил электродлар пайвандлаб қоп-ланди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, Т-590 электроди


билан электр-ёй ёрдамида пайвандлаб қопланган намунанинг абразив ейилишга чидамлилиги синалган бошқа намуналарга нисбатан анча юқори экан (7-расм).



1 – 45 маркали пўлат намуна; 2 – АНО-4 электроди билан қопланган намуна; 3 – УОНИ-13/45 электроди билан қопланган намуна; 4 – ЦЧ-4 электроди билан қопланган намуна; 5 – Т-590 электроди билан қопланган намуна

7-расм. Намуналарнинг ейилиш жадаллиги


Композицион материаллар билан пайвандлаб қопланган намуналарни синовдан ўтказиш натижалари. Пайвандланган қатламнинг қаттиқлигини аниқлаш учун ўтказилган тажрибаларда кукунсимон композицион материалларнинг маълум миқдордаги аралашмаларидан фойдаланилди. Тажрибалар натижаларига кўра композицион материал таркибидаги функционал тўлдирувчининг ҳажми ортган сари пайванд қатламнинг қаттиқлиги HRC 63 гача ортиши аниқланди (8-расм).



8-расм. Пайванд қатлам қаттиқлигини кукунсимон композицион материалдаги қаттиқ қотишма миқдorigа боғлиқлиги

Тавсия этилаётган кукунсимон композицион материаллар пайвандлаб қопланган намуналар ейилишга чидамлилиги лаборатория шароитида тобланган пўлатга нисбатан бир неча марта юқори эканлиги аниқланди (9-расм).

Шу билан бирга тадқиқот материали таркибидаги қаттиқ қотишма миқдорини ортиши унинг ейилишга чидамлилиги ошиши кузатилди.



1- 45 маркали пўлат намуна; 2- ПГ-С-27 металл кукунни; 3- ПГ-ФБХ6-2 (30%) металл кукунни; 4- ПГ-ФБХ6-2 (50%) металл кукунни.

9-расм. 45 маркали пўлатга нисбатан кукунсимон материалларнинг ейилишга чидамлилиги

Диссертациянинг «Плуг лемехларини пайвандлаб қоплаб ресурсини оширишнинг техник-иқтисодий асослари» деб номланган бешинчи бобда пайвандлаб қоплаб ресурси оширилган плуг лемехларининг ишлаб чиқариш синовлари натижалари ҳамда уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари (иқтисодий самарадорликни аниқлаш методикаси) келтирилган.

Синовларда плуг лемехлари берилган технологик жараённи ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берди.

Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатадики, плуг лемехларини қайта тиклаш учун Т-590 электроди билан пайвандлаб қоплаш орқали унинг ресурси 45 маркали пўлатга нисбатан 2,0 марта ортишига, ПГ-ФБХ6-2 (30%) металл кукуни билан эса 2,4 марта ортишига эришилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш дастури йилига 6000 дона бўлганда, йиллик иқтисодий самара мос равишда 177,3 млн ва 320,4 млн сўм сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Плуг лемехларини композицион материаллар билан қайта тиклаб ресурсини ошириш технологиясини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Плуг лемехларининг конструкциясини такомиллаштириш, лемехлар тайёрланадиган материалларни асослаш, янги лемехлар ишлаб чиқариш ва лемехларнинг ейилишга чидамлилигини ошириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотчиларининг таҳлили, турли ейилишга чидамли материалларни иш юзасига пайвандлаб қоплаш орқали лемехлар ресурсини ортишига олиб келадиган технологияни ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Лемехларнинг абразив ейилишга чидамлилиги уларнинг иш юзасининг қаттиқлиги ва тупроқнинг босим кучига боғлиқ эканлиги аниқланди. Натижада лемех ресурсини унинг иш юзасига пайвандлаб қопланадиган қатламнинг ейилишга чидамлиги ва унга таъсир этадиган босим кучига боғлиқ ўзгариш қонуниятини аниқланди.

3. Республикада қўлланилаётган плуг лемехлари материалларининг таркиби, структураси, қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги каби хоссалари ўрганилганда, улар стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Жумладан, улар абразив зарралар қаттиқлигига нисбатан анча юмшоқ пўлатлардан тайёрланган, қаттиқлиги HRC33 гача, ишчи юзасига термик ишлов берилмаган, абразив муҳитда ишлатишга тавсия этилмаган.

4. Т-590 электроди ва маълум таркибли кукунсимон композицион материал пайвандлаб қопланган намуналар 45 маркали пўлат намунасига нисбатан 2,0-2,4 марта юқори ейилишга чидамликка эга эканлиги аниқланди.

5. Лаборатория тадқиқотлари натижалари асосида лемехларнинг иш юзасига пайвандлаб қоплаш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология асосида танлаб олинган пайвандлаб қоплаш материаллари билан, пайвандлаб

қопланган лемехлар фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди. Ишлаб чиқариш синовлари ейилишга чидамли материаллар билан пайвандлаб қопланган лемехларнинг ресурси ортиши ҳисобига уларнинг йиллик сарфи 2 мартага камайишини кўрсатди.

6. Ишлаб чиқилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишдан кутиладиган йиллик иқтисодий самара ишлаб чиқариш дастури 6000 дона бўлганда ейилган лемехни Т-590 электроди билан пайвандлаб қоплашда 177,3 млн. сўм, композицион материаллар билан пайвандлаб қоплашда эса 320,4 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ
ИНСТИТУТ**

МАДАЗИМОВ МУЗАФФАР ТОХИРЖОН УГЛИ

**ОБОСНОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ РЕСУРСА
ПЛУЖНЫХ ЛЕМЕХОВ ВОССТАНОВЛЕНИЕМ
КОМПОЗИЦИОННЫМИ МАТЕРИАЛАМИ**

**05.07.02 – Эксплуатация, восстановление и ремонт сельскохозяйственной и
мелиоративной техники**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гульбахор – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T611.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Нуриев Карим Катибович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рустамов Рахматали Мурадович
доктор технических наук, доцент

Халикова Наргиза Абдувалиевна
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
технический университет имени
Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится «11» декабрь 2020 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городской поселок Гулбахор, ул. Самарканд, 41. Тел.: (0-370) 601-07-04, факс: (0-370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательской института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 442). (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городской поселок Гулбахор, ул. Самарканд, 41. Тел.: (0-370) 601-07-04, факс: (0-370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Автореферат диссертации разослан «25» ноябрь 2020 года
(Протокол рассылки № 5 от «25» ноябрь 2020 года)



М.Т. Тошболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А. Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

А. Тухтакузиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации В мире ведущее место занимают не только конструктивные особенности создания сельскохозяйственных технических средств и их рабочих органов, но и выбор материалов, из которых они изготовлены. «Если учесть, что в мировом масштабе для вспашки полей расходуется более 14-17 млн шт. плужных лемехов в год»¹, то важной задачей является повышение надежности и долговечности почвообрабатывающих технических средств и их рабочих органов. В этом отношении большое внимание уделяется изучению закономерностей их изнашивания в процессе эксплуатации на научной основе.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку технологий, обеспечивающих качественное выполнение процессов обработки почвы и технических средств для их осуществления, повышение их эффективности. В этом направлении актуальной задачей является повышение ресурса рабочих органов сельскохозяйственных машин, решение которой ждет сельскохозяйственное машиностроение. В частности, недостаточная надежность рабочих органов приводит к увеличению эксплуатационных и ремонтных расходов, оказывает отрицательное влияние на агротехнические и энергетические показатели почвообрабатывающих машин.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по экономии ресурсов, снижению затрат труда и энергии при возделывании сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработке высокопроизводительных сельскохозяйственных машин для их осуществления, увеличению эффективности использования существующих машин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства, в частности, «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики, ... широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач важным является техническая и технологическая модернизация технических средств, используемых при вспашке полей, снижение эксплуатационных затрат и их себестоимости за счет повышения ресурса их рабочих органов до уровня ресурса рабочих органов, выпускаемых мировыми передовыми предприятиями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-prochnosti-i-iznosostoykosti-lemeha-pluga/viewer>

